



# HUDUDGAZTA' MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табиин газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул килиши  
ШАРТНОМАСИ

20<sup>йил</sup> 27<sup>декабрь</sup>

032-сон

Мусеус Тұнайшев

(шартнома түзилған жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Низом Рахим Балғашов  
спорт мектебі  
(кейинги үрінларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Жумшанесов Ә. б.

бир

томондан ҳамда Низом ва 20<sup>йил</sup> "05 ғарыш" да берилған 03 19-03-133-сондай  
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Недудақ Асасатроғестан"  
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги үрінларда "Етказиб берувчи" деб аталади),  
раҳбари Х. Айназов иккінчи томондан, күйіндегілар түгрисида  
мазкур шартномани түздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи үз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
келишилған буюрманомаси буйича табиий газ (кейинларда үрінларда газ деб аталади)  
етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса үз зиммасига ушбу шартноманинг  
1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул килиши мажбуриятини олади ҳамда  
тўловларни белгиланган нарх буйича үз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилған ва сертификатга эга газ  
курилмалари, шунингдек, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги үрінларда  
хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мөъёлларга (Табиий газдан  
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки  
курсатиляётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эктибжни тақдим  
этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига кадар келгуси йилда истеъмол  
килиниши таҳмин килиниётган газ хажми буйича буюрта беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилған буюрта буйича етказиб бериладиган  
газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20 йилда \_\_\_\_\_  
куб.м, нархи \_\_\_\_\_ минг сўмни ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар  
буйича куйидагича тақсимланади:

I чорак	минг.м3. январь	10000	февраль	8000	март	5000
II чорак	минг.м3. апрель		май		июнь	
III чорак	минг.м3. июль		август		сентябрь	
IV чорак	Минг.м3. октябрь		ноябрь		декабрь	

2022 йил «27» 01 даги  
032 -сон шартномага  
ИЛОВА

## **Фойдаланишга кабўл килингган газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ**

**Фаолият тури:** \_\_\_\_\_

Кадастровый №

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20

**Табий газ тарифи** **сум** **тгийн**

## Келишилган:

Рахбар

## Етказиб берувчи

ФИШГЛ

Имзоси

МУХАД ШРНК

## Underwriting

(m) 12 (III)

История

ФИЛИ

LAURENTIA

MYSR YRH

истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва мөъёларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DSt 8.030:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DSt 8.031:2008 “Ёкилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги мөъёлар ва қоидаларга мувофиқ булиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов куригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга булиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов курикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов куригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигига метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов куриги/калибраш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслоаш куриги/калибраш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газининг физик-химёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамғаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиласидан кисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишили далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамғаларни бутлилига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий кисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий холатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб холатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноконуний байпас линиялари уланганда) охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузиленган кундан аниқланган кунгача, лекин дъяво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузиленган кундан, лекин дъяво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганигини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечиликандан – хисобга олиш прибори ечиликандан “Ўстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечиликандан кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамғаларнинг бутлиги бузилганда – охирги қўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охирги қўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги қўрик ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган холда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойида маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журнallаридан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида кайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётгандлик факти бўйича асослантирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги булинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан утказиши талаб қилиш ҳукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан утказиши учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлгандага эса – экспертиза утказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичидаги Етказиб берувчига бу ҳакда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамғаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охирги курик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади.(O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимларни герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### **IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ**

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тұловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувоғиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида курсатилған ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тұлайды.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида амалга ошириш ҳохишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладын даврни күрсатиб етказиб берилған табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тұлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тұғрисида Етказиб берувчига билдиригі тартибда мурожаат қилишга ҳақлидір. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб беришга тузилған шартномада күрсатилған ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тұлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинған табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисбот ойининг охирігача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тұловсız етказиб берилмайды.

4.5. Олдиндан тұлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайды (стратегик корхоналар ва ижтимоий ахамияттаға зерттеу истеъмолчилар бундан мұстасно).

4.6. Истеъмолчи хар ойнинг 10 санағига қадар аввалги ойда истеъмол қилинған газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий ахамияттаға зерттеу истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинған газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширады.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада күрсатилғаннан қажынан кам фойдаланилған тақдирда, аванс тарзда тұланған маблаглар қайтарылмайды, күрсатиб үтилған маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобға олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилған шартномада белгиланганидан күп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмастан газ олинған тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқта олинған табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилған тұлов үндирілади.

Бунда, белгиланған тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат күрсатиши, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдегі, Истеъмолчига алоқадор бұлмаган түрли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмок, кисқа туташув ва х.к)даги техник носозлықтар аникланғанлығы сабабли истеъмол қилинған табиий газ ҳажмини үрнатылған газ асбоб ускуналарини тулиқ күvvати буйича ҳисоб-китоб килиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қылған ҳолатлар бундан мұстасно.

4.10. Табий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд булган тақдирда, унинг аванс тулови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилиган ҳолда қарзни коплашга йўналтирилади ва аванс тулови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада курсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати уз вақтида туланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тулов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тулади.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табий газ истемолини ҳисобга олиш приборидан курсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табий газни истемол килишни ҳисобга олиш приборларига эга булмаган ва белгиланган мөнъирлар буйича ҳисоб-китоб қиласидан истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган курсаткичлар Fossa тизимиға киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аникланди.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан курсаткич олинганидан сунг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўргасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини гаъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчидаги куйидаги техник ҳужжатлар мавжуд булганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истъемлчига тақдим этиладиган, Истъемлчининг булиниш чегараси сагача бўлган жойдаги газ тармоклари ва ГТҚлардаги технологик йўкотишларнинг хажми тўгрисидаги далолататноманинг мавжудлиги; Бунда Истъемлчи балансида бўлган газ тармоклари ва ГТҚдаги технологик йўкотишлар Истъемлчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечирилмасдан Етказиб берувчидан хисобкитоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жунатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисобварак-фактурани қабул қиласди.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини курсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун туловлардан озод қилмайди. Узагилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиши ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиласди. Ушбу масалани узаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.17. Истемолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб күйилганидан сунг узбоимчалик билан қайта уланганда, иштемол килинган газ хажми ва унинг киймати газ узиб күйилган кундан бошлаб.

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги түлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгартган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ун беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор килади. Газ учун тарифлар ўзгартганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тұлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сұнғ амалға оширилади. Бунда истеъмолчи табиии газнинг аванс тарікасида тұланган ҳажми учун тұлов кунидан бошлаб күпі билан кейинги 1 ой құшимча тұлов түлашдан озод қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛЫК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хукуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қўймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қўйматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчидаги қўйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги хамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунинг кадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдиндан тұловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва “Ўзнефтгазинспекция”нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасдан заар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгариши мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташки таъсир кўрсатишга харакат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қоидаларига зид равища газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланғанди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг учирилиши натижасида етказилган моддий заар ёки бой берилгандай учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармокка қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГҲНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

## **VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

7.1. Етказиб берувчи қуидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмиглаш-тиклиш;
- ўз газ гармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш кисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор килиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилганига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида хукуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;
- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзgartiriшлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

  - табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;
  - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
  - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
  - иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкари вактда) — икки кун давомида;
  - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидаги алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуидаги хукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истемолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кисқартириш ёки тұхтатиши;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланғанда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоғ этишни талаб килиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан қонун хужжатларига мувоғик бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларидаги авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечичитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тұхтатиши ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланған қоидабузарликлар бартараф этилгүнига қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тұхтатиши.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор килиш.

### 7.3! Истемолчи қўйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва қабул килиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиши.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиши;

- газ ҳужалиги газ кувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармоқларидаги ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишида кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувоғик бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазниспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемол килишини ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин куздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эта бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиши;

- табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасиддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларининг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи булиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГҲНАТ-АСКУГ) тизимиға уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

**7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:**

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кузда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилингандан, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани кайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлами бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, заарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақғинча тўхтатиши.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқукларга эга булиши мумкин.

## **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.**

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқлангандা;

б) фойдаланилган газ учун тұлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилган ҳолларда.

**8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш бараварি миқдорида жарима кўлланади.**

**8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, қуидаги ҳолатлар бундан мустасно:**

а) форс-мажкор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) қиш даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Коргацалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеммолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеммолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ хажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеммолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тулангани суммани қайтаришини талаб қилиш ҳукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада курсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеммолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларниң бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирок етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

8.6. Шартномада курсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеммолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирок муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пена тўлади.

## **IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талбларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2.“Истеммолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошقا вакиллари), истеммолчи мағфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талбларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя киласди.

## **X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишили судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришишга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутылмаган авария вазиятлари юзага келганды, шунингдек енгіб бұлмас күчлар туфайлы содир бұлған табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкени, ёнғин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бүйіча үз мажбуриятлари бажариш имкони бұлмай қолғанда жавобгарлықта жалб этилмасдан, газ етказиб берішни тұхтатиши, қисқартириш ёки муносабтларни тұхтатиши ҳуқуқыға зә бұладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, күрсатылған ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайніда сақланиб тұрса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тұғрисидаги қарор қабул қиласылар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага үзгартириш ва құшимчалар ёзма рөвишда расмийлаштырилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкілотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПК-594-сон қарорига асосан Фазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилған кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома \_\_\_\_\_ йил 31 декабргача бўлған муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тұғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкілотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тұғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили “\_\_\_\_\_” йил 31 декабр санағига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бүйіча даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайніда кўриб чиқилади.

## XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини соғиши механизмини такомиллаштыриш бүйіча құшимча чора-тадбирлар тұғрисида”ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни ултүржи истеъмолчиларга етказиб беріш жараёнда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун иккى нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга зә.

**XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:**

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»  
«Худудигат Коракалпогистон»

Манзил: Тел./факс: Нукус шаҳри, Бердах гузари №179

КГУТ коди \_\_\_\_\_

ХХГУТ 35220

Боғчанинг телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59,  
224-02-43

х/р: \_\_\_\_\_

Банк номи: «Узсаноатқурилиш банк Рахат  
филиали»

МФО: 00435

ИНН: 306605769

Х/Р 22634000405113960516

Рахбар: Х.Айманов  
(Ф.И.Ш.)

Имзоши:

Мурз үрин:

“ИСТЕММОЛЧИ”

*жоссар рӯи боям  
Жемисбек Чубанов к/т*

(бюджет ташкилотлари, хужалик юритувчи  
субъектлар номи)

Почта манзил: \_\_\_\_\_

ОКПО коди \_\_\_\_\_

ОКЭД 85510

Мулокот телефони 61-424-38-85

Газ/х 13402000300 10000 1010

Банк номи: РУК ГУ 26  
2. Таджикстан

МФО 00014

ИНН 204546934

ш/х 10002 286035225708561024500

х/р

*жоссар жадони*

(газначилик булинмаси номи)

Рахбар Жемисбеков б.  
(Ф.И.Ш.)

Имзоши:

Мурз үрин:

Юридик маслаҳатчи худосини:

(Ф.И.Ш.)

Юридичное заключение  
Настоящий договор соответствует требованиям  
Гражданского кодекса и Закона Республики  
Узбекистан “О договорно-правовой базе  
действительности хозяйствующих субъектов”

Юрист

и 28 "

01 2022 г.